

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАЙИТОВА ШАҲЛО ДАВЛАТОВНА

**ҒЎЗА ГЕНЕТИК КОЛЛЕКЦИЯСИ ЛИНИЯЛАРИНИНГ
ДУРАГАЙЛАРИДА МОРФОХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ
ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ**

03.00.09 –Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хайитова Шахло Давлатовна

Ғуза генетик коллекцияси линияларининг дурагайларида морфоҳўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.....3

Хайитова Шахло Давлатовна

Наследование и изменчивость морфохозяйственных признаков у гибридов линий генетической коллекции хлопчатника.....21

Xayitova Shahlo Davlatovna

Inheritance and variability of morphoeconomical traits of hybrids of the cotton genetic collection lines.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАЙИТОВА ШАҲЛО ДАВЛАТОВНА

**ҒЎЗА ГЕНЕТИК КОЛЛЕКЦИЯСИ ЛИНИЯЛАРИНИНГ
ДУРАГАЙЛАРИДА МОРФОХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ
ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ**

03.00.09 –Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/B211 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаг Ўзбекистон Миллий университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиев Сайдиғани Мухторович
биология фанлари доктори, к.и.х.

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Паридун Шукурови
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Кушанов Фахриддин Нематуллаевич
биология фанлари доктори, к.и.х.

Ўтақчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «24» август куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юкори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igabr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (269 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юкори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «11» август куни тарқатилди.
(2021 йил 10 август даги 42 рақамли реестр баённомаси).



И.Дж.Курбанбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д.

Б.Х.Аманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д.

Ш.Юнусханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё пахтачилигида ишлаб чиқаришнинг замонавий талабларига жавоб бера оладиган, ҳосилдор, тола сифат кўрсаткичлари ва чиқими юқори, касаллик, зараркунанда ва ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли янги гўза навларини яратиш, такомиллаштириш ва навдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай хусусиятга эга бўлган навларни яратишда гўзанинг жаҳон коллекциясидаги мавжуд хилма-хилликларининг белги ва хусусиятлари атрофлича ўрганилиб, улардан генетик-селекцион тадқиқотларда самарали фойдаланиш ҳамда қимматли хўжалик белгиларини юқори даражага етказиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда гўзанинг ҳосилдор ва сифатли толага эга бўлган янги навларини яратишда асосий эътибор турли мамлакатларда мавжуд бўлган ботаник коллекция намуналаридан кенг фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Бу намуналар дурагайларида морфобиологик, жумладан қимматли-хўжалик белгиларининг генетик қонуниятларини аниқлашга доир катта кўламдаги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда гўза турлари, туричи хилма-хилликлари, жумладан маданий навларнинг селекцион аҳамиятини генетик тадқиқотлар асосида аниқлашга, уларни чагиштириб олинган дурагай авлодларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва ўзаро боғлиқлик қонуниятларини ўрганиш орқали янги ирсий асосга эга рекомбинантлар олиш, улардан мақсадли фойдаланиш бўйича истиқболли селекцион дастурлар тузиш бўйича илмий изланишларга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгач, қишлоқ хўжалигимизнинг асосий тармоғи бўлган пахтачилик соҳасида қатор ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, ўрта толали гўзанинг серҳосил, тезпишар, муҳитнинг абиотик ва биотик стресс омилларига чидамли кўплаб навлари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, гўзанинг мамлакатимизда ягона бўлган ва жаҳон илмий ҳамжамияти томонидан тан олинган генетик коллекцияси линияларидан генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланиш, бу линияларнинг турли авлод дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ҳамда корреляцион боғлиқлигининг хусусиятларини тадқиқ қилиш, бу белгилар бўйича бошланғич ашёларнинг комбинацион қобилиятларини баҳолаш асосида улардан гўзанинг қимматли-хўжалик белгиларини яхшилашда донорлар сифатида фойдаланишга тавсия этиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тadbирлари тўғрисидаги» фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 985-сон «2020 йилда ғўза навларини жойлаштиришнинг ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўза миқдорий белгиларининг ирсийланиши, ўзаро боғлиқлиги ва бошланғич манбаларнинг бу белгилар бўйича комбинацион қобилиятини баҳолаш бўйича илмий изланишлар хоржий олимлар, жумладан, U.K.Naqib, G.Hassan, B.Khan, (2009), T.Jawahar (2017), A.Marani (1968), S.Rauf, T.M.Khan, S. Nazir (2005), F.A. Tonk, M.Tosun (2017) томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатларида ғўзанинг қимматли-хўжалик белгилари генетикасига оид тадқиқотлар кўплаб олимлар, жумладан, Ш.Ақмурадов (1982), Л.А.Гусейнова (1987), И.Ю.Дедова (2009), Э.А.Эргашева (2021) томонидан олиб борилган.

Мамлакатимизда ўрта толали ғўзада қимматли-хўжалик белгиларининг генетикаси ва селекциясига доир кўплаб тадқиқотлар бажарилган. Чунончи, кейинги йилларда ўрта толали ғўза навларида миқдорий белгиларнинг намоён бўлиши, уларнинг турли авлод дурагайларида ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, корреляцияси ва авлоддан-авлодга берилиши хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий ва амалий тадқиқотлар қатор олимлар В.А.Автономов ва бошқалар (2015), Т.Д.Алламбергенов ва бошқалар (2015), А.И. Сейтмусаев, Б.А. Сейтмусаев (2016), Р.А.Юлдашева, И.Ф.Амантурдиев ва бошқалар (2017), С.М.Ризаева ва бошқалар (2017) томонидан олиб борилган. Ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб генетик коллекция манбаларида сифат ва миқдорий белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги қонуниятлари Д.А.Мусаев (2008), А.К.Раҳимов (2007), М.Ф.Абзалов (2010), Ш.Тўрабеков (2012), С.М.Мусаева (2010), Н.Г.Фатхуллаева (2011) ва бошқа олимларнинг ишларида тадқиқ этилган. Бу манбаларнинг сифат ва миқдорий белгилари ўртасидаги боғлиқлик А.К.Раҳимов (2006), Ш.Тўрабеков (2013), С.М.Мусаева (2012), Н.Г.Фатхуллаева (2012), А.А.Бекмухамедов (2015) томонидан ўрганилган.

Бироқ, Ўзбекистон Миллий университетининг ғўза генетик коллекцияси бўйича “Ноёб объект” идаги ушбу диссертация ишида фойдаланилган линияларининг дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзаро боғлиқлиги, авлоддан-авлодга берилиши, бу

линияларнинг ўрганилган белгилар бўйича комбинацион қобилиятлари, яъни донорлик хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТД-9-014 “Ўзбекистон Миллий Университети Ғўза генетик коллекциясининг ҳосилдорлиги, юқори тола сифати ва вилт касалига чидамлилиги бўйича янги оригинал донор - линияларини яратиш ва баҳолаш асосида истиқболли генетик ва селекцион материални ишлаб чиқиш” (2009-2011), №ОТ-ФЗ-148 “*Gossypium hirsutum* L. ғўзанинг ҳосилдорлиги, тола технологик сифати ва бошқа хўжалик, адаптив белгиларини оширишнинг генетик ҳамда маркер генлар хромосома харитасини тузишнинг цитогенетик асосларини ишлаб чиқиш” (2012-2016) мавзусидаги амалий ва фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўза генетик коллекцияси линияларининг F_1 - F_2 дурагайларида морфоҳўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, корреляцияси, авлоддан- авлодга берилиши хусусиятларини, бу линияларнинг қимматли-хўжалик белгилари бўйича комбинацион қобилиятларини аниқлаш ва селекцион қимматли генотипларни ажратиб олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўза генетик коллекциясининг ота-она линияларида тола чиқими, тола узунлиги, тола индекси, 1000 дона чигит вазни белгиларининг кўрсаткичларини аниқлаш;

ғўза генетик коллекцияси линияларининг F_1 дурагайларида тола чиқими, тола узунлиги, тола индекси, 1000 дона чигит вазни белгиларининг ирсийланиши ва ўзаро боғлиқлик хусусиятларини гибридологик таҳлил қилиш;

ғўза генетик коллекцияси линияларининг қимматли-хўжалик белгилари бўйича комбинацион қобилиятларини аниқлаш;

ғўза генетик коллекцияси линияларининг F_2 дурагайларида тола чиқими, тола узунлиги, тола индекси, 1000 дона чигит вазни белгиларининг ўзгарувчанлик кўламини, бу белгиларнинг авлоддан-авлодга берилиш даражаларини таҳлил қилиш;

ғўза генетик коллекцияси линияларининг F_2 дурагайларида қимматли-хўжалик белгилари бўйича ижобий трансгрессияни аниқлаш асосида селекцион қимматли генотиплар ажратиб олиш ва уларни генетик коллекцияни бойитиш ҳамда селекция жараёнида фойдаланишга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Миллий университети (ЎЗМУ) Ғўза генетик коллекциясининг ўрта толали, чигити тўлиқ тукланган Л-608, Л-620, Л-4112, Л-39, Л-489, Л-607, чигити микропиляр тукланишли Л-15, чигити туксиз ва толасиз Л-70 линиялари ва уларнинг F_1 - F_2 дурагайлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ғўза генетик коллекцияси линиялари ва уларнинг F_1 - F_2 ўсимликларида кимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва ўзаро корреляцион боғлиқлигининг таҳлили ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, линиялараро дурагайлаш, дала тажрибаларини олиб бориш, генетик-селекцион статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ғўза генетик коллекцияси линияларининг F_1 дурагайларида тола чиқими белгисининг ота-она шаклининг генотиپига боғлиқ равишда ижобий ўта доминантлик ва салбий тўлиқсиз доминантлик ҳолатларида ирсийланиши асосида бу линияларда белгининг доминант ёки рецессив генлар билан бошқарилиши исботланган;

ота-она шакллари ва F_1 дурагайларига нисбатан F_2 дурагайларида тола чиқими, узунлиги, индекси ва 1000 дона чигит вазни белгиларининг ўзгарувчанлик кўламининг кенлиги ижобий ва салбий трансгрессия намоён бўлишига олиб келиши, гистограмманинг асосан бир чўққили бўлиб, белгиларнинг авлоддан-авлодга берилиши даражаси дурагай комбинациясига боғлиқ равишда паст ва юқори кўрсаткичли бўлиши аниқланган;

тола чиқими бўйича ижобий юқори умумий комбинацион қобилият, яъни донорлик хусусиятига Л-489, тола узунлиги бўйича Л-4112 ва Л-39, 1000 дона чигит вазни бўйича эса Л-489 ва Л-608 линиялари эга эканликлари исботланган;

F_1 дурагайларининг тўғри ва тескари комбинацияларида тола чиқими, узунлиги, индекси ва 1000 дона чигит вазнининг ўртача кўрсаткичлари бўйича реципрок фарқланишнинг мавжудлиги асосида бу белгиларнинг генетик назоратида ядровий генлар билан бир қаторда, цитоплазматик генларнинг ҳам иштирок этиши аниқланган;

туксиз ва толасиз Л-70 линиясининг генотипида тола узунлиги ва чиқимини белгиловчи генлар яширин ҳолатда мавжудлиги, унинг тукли ва толали бошқа линиялар билан F_1 дурагайларида бу белгиларнинг кўрсаткичлари генлар доминант аллелларининг миқдорига боғлиқ бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғўза генетик коллекцияси линияларидан тола чиқими бўйича Л-489, тола узунлиги бўйича Л-4112 ва Л-39, 1000 дона чигит вазни бўйича Л-489 ва Л-608 линиялари умумий комбинацион қобилиятнинг юқори ижобий самараси бўйича ажратиб олинган ва бу линиялардан ўрта толали ғўзанинг тегишли белгиларини яхшилашга қаратилган генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

ғўза генетик коллекцияси линияларининг Л-608хЛ-15 ва Л-39хЛ-15 дурагайларининг F_2 авлодлари популяцияларидан тола чиқими юқори (41,0 % ва ундан ортиқ) ҳамда толаси узун (34,0 мм ва ундан юқори) селекцион кимматли рекомбинант шакллар ажратиб олинган;

янги яратилган Л-720 ва Л-721 линияларида тола ва тук ривожланишини тадқиқ этиш асосида уларнинг ушбу белгилар бўйича генотиплари мос равишда $\text{ift}_1\text{ft}_1\text{ft}_2\text{ft}_2\text{fcfc}$ ва $\text{ift}_1\text{ft}_1\text{ft}_2\text{ft}_2\text{FcFc}$ эканлиги ва бу линиялардан ғўза чигити тукланишининг генетикасини ўрганишда бошлангич манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

ғўза генетик коллекциясининг линияларини ўзаро дурагайлаш асосида янги ирсий асосга эга, ғўзанинг миқдорий белгилари генетик тадқиқотларида қўллаш мумкин бўлган Л-722, Л-750 ва Л-751 линиялари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўп йиллик тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилгани, тадқиқотларда анъанавий ва замонавий услублардан фойдаланилгани, олинган маълумотлар статистик қайта ишлангани, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, қилинган хулосаларнинг илмий ва амалий асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққослангани ва олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЎзМУ Ғўза генетик коллекциясининг линияларининг F_1 - F_2 дурагайларида тола чиқими, тола узунлиги, тола индекси ва 1000 чигит вазни каби қимматли-ҳўжалик белгиларининг ирсийланиш, ўзгарувчанлик ва ўзаро боғлиқлик хусусиятлари ўрганилгани, ота-она линияларнинг бу белгилар бўйича умумий комбинацион қобилиятларининг самараси аниқлангани, ўрганилган миқдорий белгиларнинг генетик назоратида ядровий генлар билан бир қаторда, цитоплазматик генларнинг ҳам иштирак этиши, туксиз ва толасиз Л-70 линиясининг генотибида тола узунлиги ва чиқимини белгиловчи генлар яширин ҳолатда мавжудлиги, унинг тукли ва толали бошқа линиялар билан F_1 дурагайларида бу белгиларнинг кўрсаткичлари генлар доминант аллелларининг миқдorigа боғлиқлиги исботлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўза генетик коллекциясининг ўрганилган линиялари гуруҳида тола чиқими, узунлиги ва 1000 дона чигит вазни бўйича умумий комбинацион қобилиятнинг юқори ижобий самарасига эга линиялар аниқлангани ва бу белгилар бўйича селекция ишлари учун донорлар сифатида тавсия этилгани, F_2 авлод дурагайлари популяцияларидан юқори тола чиқими ва узунлигига эга, янги ирсий асосли қимматли рекомбинант шакллар ажратиб олингани ва селекция жараёнларида қўллашга тавсия этилгани, янги яратилган Л-720 ва Л-721 линияларининг тола ва чигит тукланиши бўйича генотиплари аниқлангани ва бу белгиларнинг генетикасида ҳамда яратилган Л-722, Л-750 ва Л-751 линиялари миқдорий белгилар бўйича генетик тадқиқотларда фойдаланиш учун тавсия этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза генетик коллекцияси линияларининг дурагайларида морфоҳўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

ғўза генетик коллекциясининг ўрта толали линияларини ўзаро дурагайлаш асосида олинган, қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга Л-720, Л-721, Л-722, Л-750 ва Л-751 линиялари Ўзбекистон Миллий университетининг ғўза генетик коллекцияси бўйича “Ноёб объект”га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 89.03.4915-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу ғўза линиялари ЎЗМУ ғўза генетик коллекциясини тола чиқими ва тола узунлиги юқори, янги ирсий асосга эга бошлангич манбалар билан бойитиш имконини берган;

ўрта толали ғўзанинг янги Л-720, Л-721, Л-722, Л-750 ва Л-751 линиялари №А-8-6 “Ўза генетик коллекциясининг истиқболли линиялари ва қурғоқчиликка чидамли навлар селекциясида такомиллаштирилган усулларни қўллаш” мавзусидаги амалий лойиҳасида бошлангич манбалар сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 89.03.4915-сон маълумотномаси). Натижада, қурғоқчиликка чидамлик селекцияси учун ғўза линияларини ажратиб олиш имконини берган;

қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларининг мажмуасига эга, яъни битта кўсақдаги пахта вази 6,0-6,5 г., тола чиқими 42,0-43,0%, тола индекси 7,0-7,5 г., тола сифати юқори бўлган Л-750 линияси ЎЗР ФА ГваЎЭБининг “Ўза генофонди” ноёб объекти коллекциясига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 21 октябрдаги 4/1255-2240-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу линия ўрта толали ғўза коллекцияси хилма-хиллигини бойитиш ҳамда коллекция намуналари бўйича электрон базасини тўлдирish имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилishi. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, шартли белгилар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзада қимматли-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, корреляцияси ва ота-она шакллариининг миқдорий белгилар бўйича комбинацион қобилиятларини ўрганиш тарихи”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида республика, МДХ ва хорижий давлатлар олимларининг *G. hirsutum* L. турига мансуб ўза навлари ва шакллариининг дурагайларида миқдорий белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, корреляцияси, ота-она шакллариининг миқдорий белгилар бўйича комбинацион қобилиятини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлари шарҳи келтирилган. Ўза генетикаси ва селекцияси соҳасида олинган натижалар, жумладан, ўза миқдорий белгилариининг ирсийланиш характери ва уларнинг амалий селекция жараёнларида қўлланилиши борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари маълумотлари чуқур таҳлилий асосда ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой ва шароитлари, манбалари ва услублари батафсил ёритилган. Ўзбекистон Миллий университети Ўза генетик коллекцияси “Ноёб объект” ида сақланаётган ўрта толали *G. hirsutum* L. турига мансуб линиялар тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилган. Изланишларда ўза генетикаси ва селекциясининг анъанавий усуллари, жумладан, линиялараро дурагайлаш ва гибридологик таҳлил усуллариининг фойдаланилган. F_1 дурагайларида белгилар бўйича доминантлик даражаси (h_r), белгилар ўртасидаги корреляция (r), линияларнинг тола узунлиги ва чиқими бўйича комбинацион қобилияти, F_1 - F_2 дурагайларида вариация коэффицентини (V) аниқланган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспехов (1985) услублари бўйича олиб борилган.

Диссертациянинг **“Ўза генетик коллекцияси линияларининг дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, корреляцияси”** деб номланган учинчи бобида *G. hirsutum* L. турига мансуб ўза генетик коллекцияси линияларининг F_1 - F_2 ўсимликларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, корреляциясининг гибридологик таҳлили ҳамда линияларининг қимматли-хўжалик белгилари бўйича комбинацион қобилиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида ўза генетик коллекциясининг Л-489, Л-608 ва Л-620 линиялари тола чиқими бўйича бир-бирларидан статистик фарқланишлари кўрсатилган (1-жадвал).

Тола чиқими юқори Л-489 линияси оналик шакл сифатида иштирок этган F_1 Л-489хЛ-620 ва F_1 Л-489хЛ-608 комбинацияларида тола чиқими мос равишда $42,0 \pm 0,5\%$ ва $43,3 \pm 0,4\%$ ни ташкил этиб, белги ижобий ўта доминантлик (h_r мос равишда 1,3 ва 5,3) ҳолатида ирсийланди. Ушбу

линиянинг тола чикими паст бўлган Л-4112 ва Л-39 линиялари билан чагиштиришдан олинган F₁Л-489 x Л-4112 ва F₁Л-489 x Л-39 дурагайларида эса белги ижобий ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди. Чагиштиришда тола чикими юқори бўлган Л-608 линияси оналик шакл, тола чикими паст Л-4112 ва Л-39 линиялари эса оталик шакл сифатида қўлланилиб олинган Л-608 x Л-4112 ва Л-608 x Л-39 дурагайларида тола чикими белгиси паст кўрсаткичли линияларнинг тўлиқсиз доминантлиги, паст тола чикими эга Л-4112 ва Л-620 линияларнинг бошқа бир паст кўрсаткичли Л-39 линияси билан олинган Л-4112 x Л-39 ва Л-620 x Л-39 дурагайларида мос равишда ижобий тўлиқ доминантлик ва ижобий ўта доминантлик ҳолатларида ирсийлангани қайд этилди.



1-жадвал

Ўза генетик коллекциясининг F₁ дурагайларида тола чикими ва узунлиги белгиларининг ирсийланиши

№	Линиялар ва F ₁ дурагайлар	Тола чикими, %	σ	V	hp	Тола узунлиги, мм	σ	V	hp
1	Л-489	41,6±0,3	1,7	4,1	-	27,7±0,2	1,7	4,1	-
2	Л-608	40,8±0,2	0,9	2,3	-	35,4±0,1	0,6	1,6	-
3	Л-620	35,3±0,5	2,6	7,4	-	33,7±0,1	0,9	2,6	-
4	Л-4112	35,9±0,1	0,8	2,3	-	37,3±0,2	1,1	2,8	-
5	Л-39	35,5±0,2	1,3	3,8	-	35,5±0,2	1,3	3,7	-
6	F ₁ Л-489 x Л-608	43,3±0,4	1,0	2,3	5,3	31,8±0,2	1,2	3,9	0,1
7	F ₁ Л-489 x Л-620	42,0±0,5	1,5	3,5	1,3	33,4±0,4	2,2	6,6	0,9
8	F ₁ Л-489 x Л-4112	42,9±0,4	0,9	2,0	1,9	34,1±0,2	1,4	4,1	0,4
9	F ₁ Л-608 x Л-4112	36,9±0,6	1,4	3,8	-0,7	36,7±0,1	0,8	2,2	0,3
10	F ₁ Л-4112 x Л-39	35,9±0,2	1,2	3,5	1,0	36,7±0,1	0,8	2,2	0,3
11	F ₁ Л-608 x Л-39	37,1±0,3	1,6	4,3	-0,5	36,1±0,1	0,9	2,4	5,0
12	F ₁ Л-489 x Л-39	42,6±0,2	1,2	2,9	1,7	34,9±0,3	1,8	5,0	0,9
13	F ₁ Л-620 x Л-39	37,0±0,4	2,1	5,7	16	36,7±0,3	1,5	4,1	2,3

Дурагайларнинг F₂ авлодида тола чикими белгисининг ўзгарувчанлик кўлами ота-она линиялариникидан кенг бўлиб, Л-489 x Л-608, Л-608 x Л-4112, Л-4112 x Л-39, Л-608 x Л-39, Л-489 x Л-39 комбинацияларида 6 та синфни, Л-620xЛ-39 комбинациясида 7 та синфни, Л-489 x Л-620 ва Л-489 x Л-4112 комбинацияларида эса 8 та синфни ташкил этди.

F₂Л-489 x Л-620 ва F₂Л-489 x Л-4112 комбинацияларида юқори тола чикими (47,0-47,9%) га эга ўсимликлар ажралиб чиқди. F₂Л-489 x Л-608 комбинациясида тола чикими бўйича иккита синфда ижобий трансгрессия кузатилиб, Л-489 линиясидан ҳам юқори тола чикими (47,0-50,9%) га эга ўсимликлар мавжудлиги аниқланди. Улар жами ўсимликларнинг 14,4% ни ташкил қилиб, белгининг ўзгарувчанлик кўлами бир чўққили кўринишга эга бўлди (1-расм).



1-расм. Ғўза генетик коллекцияси линияларининг F₂ дурагайларида тола чикими белгисининг ўзгарувчанлик кўлами

Бобнинг иккинчи бўлимида тола узунлиги Л-4112 линиясида энг юқори ($37,3 \pm 0,2$ мм), Л-489 линиясида эса энг паст кўрсаткичга ($27,7 \pm 0,2$ мм) эга бўлганлиги кўрсатилган, Л-608, Л-39 ва Л-620 линияларининг тола узунлиги мос равишда $35,4 \pm 0,1$ мм, $35,5 \pm 0,2$ мм ва $33,7 \pm 0,1$ мм ни ташкил этиб, Л-608 ва Л-39 линиялари бир-биридан белгининг ўртача кўрсаткичи бўйича статистик фарқланмасликлари қайд этилди.

Тола узунлиги белгиси калта толали Л-489 линиясининг узун толали Л-4112, тола узунлиги ўртача Л-608 линиясининг узун толали Л-4112, узун толали Л-4112 линиясининг ўртача узунликдаги толага эга Л-39, калта толали Л-489 линиясининг тола узунлиги ўртача бўлган Л-608, Л-39 ва Л-620 линиялари билан тўғри комбинацияларида юқори кўрсаткичли линиянинг тўлиқсиз доминантлиги, ўртача узунликдаги толага эга линияларнинг ўзаро Л-608xЛ-39 ва Л-620xЛ-39 комбинацияларида эса ижобий ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланди.

Тола узунлигининг F₂ дурагайларида ўзгарувчанлик кўламини ўрганиш таҳлили F₂Л-608xЛ-4112 комбинациясининг ўсимликлари белги кўрсаткичи бўйича 33,0 мм дан 41,9 мм гача бўлган 9 та синфда жойлашганлигини, 3 та синф ўнг томонга трансгрессив силжиш рўй бериб, юқори кўрсаткичли

Л-4112 линиясиникидан ҳам юқори тола узунлигига (39,0 мм дан 41,9 мм гача) эга ўсимликлар ажралиб чиққанлигини ва улар ўрганилган барча ўсимликларнинг 34,6% ни ташкил қилганини кўрсатди. F_2 Л-608хЛ-39 комбинациясининг ўсимликлари вариацион қаторнинг 33,0 мм дан 41,9 мм гача бўлган 9 та синфда жойлашди. Бунда 5 та синф ўнг томонга трансгрессия кузатилиб, тола узунлиги 37,0 мм дан 41,9 мм гача бўлган ўсимликлар ажралиб чиқди ва улар жами ўрганилган ўсимликларнинг 58,9% ни ташкил этди. Тола узунлиги белгисининг авлоддан-авлодга берилишида генотипнинг таъсири кучсиз ва ўрта даражада ($h^2=0,16-0,60$) бўлди.

Бобнинг учинчи бўлимида тола индекси белгиси бўйича ирсийланиш маълумотлари келтирилган. Толанинг юқори индексига эга Л-489 линиясини оналик сифатида, паст кўрсаткичли Л-4112 ва Л-620 линияларини эса оталик шакл сифатида қўлаб олинган F_1 Л-489 х Л-4112 ва F_1 Л-489 х Л-620 комбинацияларида белгининг ўртача кўрсаткичи мос равишда $8,90 \pm 0,88$ г ва $9,00 \pm 0,06$ г., ирсийланиши эса ижобий ўта доминантлик (мос равишда $h_p=1,1$; $h_p=1,3$) ҳолатларида кечди. Белгининг авлоддан-авлодга берилиши даражаси кўрсаткичи (h^2) нинг 0,27-0,61 оралиғида бўлгани тола индекси бўйича генотипнинг таъсири кучсиз ва ўртача эканлигини кўрсатди.

Бобнинг тўртинчи бўлимида келтирилишича, 1000 дона чигит вазни бўйича юқори кўрсаткичли Л-489 линиясини оналик шакл, паст кўрсаткичли Л-608, Л-620 ва Л-39 линияларини эса оталик шакл сифатида чапиштиришда қўлаб олинган F_1 Л-489 х Л-608, F_1 Л-489 х Л-620, F_1 Л-489 х Л-39 дурагай комбинацияларида ушбу белгининг ирсийланишида паст кўрсаткичли линияларнинг тўлиқсиз доминантлиги ($h_p=-0,5$; $h_p=-0,7$), Л-489 линиясининг ўртача кўрсаткичли Л-4112 линияси билан F_1 Л-489 х Л-4112 комбинациясида эса салбий тўлиқ доминантлик ($h_p=-1,0$) қайд этилди. Барча ўрганилган F_2 комбинацияларда 1000 дона чигит вазни бўйича гистограмма бир чўққили кўринишга эга бўлди.


Бобнинг бешинчи бўлимида ғўза генетик коллекциясидан тадқиқот объекти сифатида олинган ота-она линиялари ва F_1 дурагайларида қимматли-хўжалик белгилари корреляциясининг таҳлили келтирилган.

Ғўза генетик коллекциясининг ўрганилган линиялари ва F_1 дурагайларида тола узунлигининг тола чиқими билан корреляцияси асосан кучсиз салбий, тола индекси ва 1000 дона чигит вазни билан кучсиз салбий ва ижобий, тола чиқимининг тола индекси билан корреляцияси линияларда кучсиз ижобий ва салбий, F_1 дурагайларида эса комбинацияга мос равишда кучсиз, ўрта ва кучли ижобий бўлди (2-расм).

Ўрганилган ғўза линиялари ва уларнинг F_1 дурагайларида тола чиқими билан 1000 дона чигит вазни ўртасидаги боғланиш асосан кучсиз салбий даражада бўлди. Тола индекси ва 1000 дона чигит вазни ўртасидаги корреляция линияларда кучсиз салбий ва ижобий бўлган бўлса, уларнинг F_1 дурагайларида асосан ўрта даражадаги ижобий кўрсаткичларга эга бўлди.

Бобнинг олтинчи бўлимида ғўза генетик коллекцияси линияларининг қимматли-хўжалик белгилари бўйича умумий комбинацион қобилиятини ўрганиш натижалари келтирилган. Дисперсион таҳлил диаллел чапиштириш

асосида олинган F_1 комбинациялари ўрганилган белгилар бўйича фарқланишларини ва уларнинг ирсийланишида аддитив ва ноаддитив генларнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатди.



2-расм. Ғўза генетик коллекциясининг ота-она линиялари ва F_1 дурагайларида қимматли-ҳўжалик белгиларининг корреляцияси

Тола узунлиги бўйича Л-4112, Л-39 ва Л-620 линиялари умумий комбинацион қобилиятнинг (УКҚ) ижобий самараси (\hat{g}_i мос равишда 1,55; 1,40; 0,96) қайд этилиб, бу линиялар тола узунлиги белгиси бўйича донорлик қила олишлари аниқланди. Л-608 ва Л-489 линияларида тола узунлиги бўйича УКҚнинг салбий кўрсаткичлари намоён бўлди (2-жадвал).

2 -жадвал

Тола узунлиги бўйича ғўза генетик коллекцияси линияларининг комбинацион қобилияти

Линия	Л-489	Л-608	Л-620	Л-4112	Л-39	УКҚ \hat{g}_i
Л-489	30,4	31,8	33,2	34,0	34,9	-1,51
Л-608	31,8	33,9	34,2	35,4	34,7	-1,00
Л-620	33,2	34,2	34,3	36,7	36,7	0,96
Л-4112	34	35,4	36,7	36,5	36,1	1,55
Л-39	34,9	34,7	36,7	36,1	35,6	1,40

Тола чиқими бўйича УКҚнинг ижобий самараси Л-489 линиясида ($\hat{g}_i = 3,28$) қайд этилди, қолган линияларда УКҚ самараси салбий кўрсаткичларга эга бўлди. Олинган натижалар Л-489 линиясининг тола чиқими бўйича донорлик хусусиятига эга эканлигини кўрсатди (3-жадвал).

3-жадвал

Тола чиқими бўйича ғўза генетик коллекцияси линияларининг комбинацион қобилияти

Линиялар	Л-489	Л-608	Л-620	Л-4112	Л-39	УКҚ \hat{g}_i
Л-489	42,6	46,3	44,2	43,9	44,3	3,28
Л-608	46,3	36,6	37,3	36,8	37,1	-0,90
Л-620	44,2	37,3	35,4	34,7	36,9	-1,77
Л-4112	439	36,8	34,7	35	37	-1,81
Л-39	44,3	37,1	36,9	37	35,6	-1,33

Диссертациянинг “Ўза генетик коллекцияси линияларининг реципрок дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, авлоддан-авлодга берилиши ва корреляцияси” деб номланган тўртинчи боби ўза генетик коллекциясининг III-бобда ўрганилган линияларининг Л-15 линияси билан чапиштиришдан олинган тўғри ва тескари, яъни реципрок дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, авлоддан-авлодга берилиши ва корреляцияси таҳлилига бағишланган.

Бобнинг биринчи бўлимида келтирилишича, Л-15 ва Л-608 линиялари бошқа линиялардан тола чиқимининг ўртача кўрсаткичи бўйича статистик ишончли фаркландилар, Л-620, Л-4112 ва Л-39 линияларида эса бундай фаркланиш аниқланмади (4-жадвал).

4-жадвал


Ўза генетик коллекцияси линияларининг реципрок F_1 дурагайларида тола чиқими ва тола узунлиги белгисининг ирсийланиши

№	Линиялар ва F_1 дурагайлари	Тола чиқими, %	σ	V	hp	Тола узунлиги, мм	σ	V	hp
1	Л-608	40,8 ± 0,2	0,9	2,3	-	28,5 ± 0,22	1,5	5,2	-
2	Л-15	40,9 ± 0,1	0,6	1,5	-	37,3 ± 0,18	1,1	2,9	-
3	Л-620	35,3 ± 0,5	2,6	7,4	-	35,7 ± 0,09	0,6	1,6	-
4	Л-4112	35,9 ± 0,1	0,8	2,3	-	35,5 ± 0,23	1,3	3,8	-
5	Л-39	36,4 ± 0,4	2,4	6,7	-	33,7 ± 0,14	0,9	2,7	-
6	F_1 Л-608xЛ-15	41,1 ± 0,3	1,7	4,2	5,0	34,5 ± 0,2	1,4	4,5	0,4
7	F_1 Л-15xЛ-608	42,9 ± 0,3	2,6	6,1	2,0	33,4 ± 0,2	1,3	4,2	0,2
8	F_1 Л-620 x Л-15	41,5 ± 0,3	2,0	4,7	1,2	31,5 ± 0,1	0,9	2,9	-0,1
9	F_1 Л-15 x Л-620	42,7 ± 0,2	1,6	3,7	1,6	33,3 ± 0,3	2,2	6,6	0,3
10	F_1 Л-4112xЛ-15	43,1 ± 0,3	2,0	4,6	1,9	33,1 ± 0,2	1,6	4,9	0,3
11	F_1 Л-15 x Л-4112	43,4 ± 0,2	1,1	2,5	2,0	33,7 ± 0,3	1,7	5,2	0,5
12	F_1 Л-39 x Л-15	43,1 ± 0,2	1,4	3,3	2,0	33,8 ± 0,2	1,4	4,2	1,0
13	F_1 Л-15 x Л-39	42,1 ± 0,2	1,6	3,9	1,5	34,6 ± 0,2	1,3	3,7	1,3

Тола чиқими юқори бўлган Л-608 ва Л-15 линияларининг тўғри F_1 Л-608xЛ-15 ва тескари F_1 Л-15xЛ-608 дурагайларида ўртача кўрсаткич мос равишда 41,1 ± 0,3% ва 42,9 ± 0,3% ни ташкил этиб, белги ижобий ўта доминантлик (мос равишда $hp=5,0$ ва $hp=2,0$) ҳолатида ирсийланди.

Л-15 нинг паст тола чиқимига эга линиялар билан олинган барча реципрок F_1 дурагайларида тола чиқими белгиси ижобий ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди. Умуман, Л-15 линияси иштирокида олинган барча F_1 дурагайларида тола чиқимининг юқори бўлганлигини бу линияда белгининг ривожланишини таъминловчи генларнинг доминантлик хусусиятига эга эканликлари ва F_1 авлодида бу хусусият сақлаб қолиниши билан изоҳлаш мумкин. Л-15 ва Л-4112 линияларининг ўзаро дурагайларидан ташқари, Л-15 линиясининг Л-608, Л-620 ва Л-39 линиялари билан олинган тўғри ва тескари комбинацияларида тола чиқимининг ўртача кўрсаткичи бўйича реципрок фаркланиш қайд этилди.

F₂ комбинацияларида тола чиқими бўйича ўзгарувчанлик кўлами 31,0% дан 50,9% гача бўлган 7-9 та синфларни ташкил этди. Тола чиқимининг ўзгарувчанлик кўлами Л-608, Л-15, ва Л-39 линияларида 3 та синфни, Л-620 ва Л-4112 линияларида эса 4 та синфни ташкил этди (3-расм).



3-расм. Реципрок F₂ дурагайларида тола чиқими ва узунлиги белгиларининг ўзгарувчанлиги.

Барча ўрганилган F₂ дурагайларида тола чиқими бўйича 3-4 та синфга ўнг томонли трансгрессия мавжудлиги ва юқори тола чиқимига эга ўсимликлар умумий ўсимликларнинг 35% дан 60 % гачани ташкил этгани F₂ авлодидан бошлаб юқори тола чиқимига эга генотипларни танлаб олиш имконини беради. Тола чиқими бўйича гистограмма бир ва икки чўққили кўринишга эга бўлди. Белгининг авлоддан-авлодга берилиши дурагай комбинациясига боғлиқ равишда ўртача ёки кучли даража ($h_2 = 0,4-0,8$) ни ташкил қилди.

Бобнинг иккинчи бўлимида келтирилишича, толаси узун Л-4112 ва Л-608 линияларининг қалта толали Л-15 линияси билан F₁Л-4112xЛ-15, F₁Л-15xЛ-4112; F₁Л-608xЛ-15, F₁Л-15xЛ-608 тўғри ва тескари дурагай комбинацияларида тола узунлиги белгиси юқори кўрсаткичли линиянинг

тўлиқсиз доминантлиги ҳолатида ирсийланган бўлса, толаси узун Л-39 линиясининг тўғри F_1 Л-39xЛ-15 комбинациясида ижобий тўлиқ доминантлик ($h_p=1,0$), тескари F_1 Л-15xЛ-39 комбинациясида эса ижобий ўта доминантлик ($h_p=1,3$) ҳолатларида ирсийланди.

Бобнинг учинчи бўлимида тола индекси кўрсаткичи юқори Л-39 ва ўртача Л-15 линияларининг тўғри F_1 Л-39xЛ-15 комбинациясида ўртача кўрсаткич $7,71\pm 0,07$ г. ни, тескари F_1 Л-15xЛ-39 комбинациясида эса $7,78\pm 0,06$ г. ни ташкил қилиб, ҳар иккала комбинацияда белги юқори кўрсаткичли линиянинг тўлиқсиз доминантлиги ($h_p=0,3$) ҳолатида ирсийлангани баён этилган.

Л-15 линиясининг Л-608, Л-620, Л-4112 линиялари билан олинган тўғри ва тескари дурагай комбинацияларда тола индексининг ўртача кўрсаткичи бўйича реципрок фаркланиш борлиги аниқланди. Фақатгина Л-15 ва Л-39 линияларининг ўзаро тўғри ва тескари дурагайларида бундай ҳолат қайд этилмади.

Бобнинг тўртинчи бўлимида 1000 дона чигит вазни Л-608 ва Л-620 линияларида бир-бирига яқинлиги, Л-608, Л-4112, Л-620, Л-39 ва Л-15 линиялари ўртасида ишончли фаркланиш мавжудлиги келтирилган. Ушбу белгининг ирсийланишида дурагай комбинациясига боғлиқ равишда салбий ва ижобий ўта доминантлик, кўрсаткичи паст линиянинг тўлиқсиз доминантлиги қайд этилди. F_2 комбинацияларида чап ва ўнг томонлама трансгрессия натижасида 1000 дона чигит вазни паст ёки юқори бўлган ўсимликлар ажралиб чиқди. Ўрганилган комбинацияларда 1000 дона чигит вазининг ўзгарувчанлик кўлами бир ва икки чўққили кўринишга эга бўлди. 1000 дона чигит вазни белгисининг авлоддан авлодга берилиши генотиппа ўрта ва кучли даражада ($h^2=0,5-0,6$) ва ($h^2=0,7$) боғлиқ бўлди.

Диссертациянинг **“ F_1 - F_2 дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг чигит тукланишига боғлиқ ҳолда ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва корреляцияси”** деб номланган бешинчи бобида генетик коллекциясининг чигити абсолют туксиз ва толасиз Л-70 -линиясини тукли ва толали Л-489, Л-15 Л-620, Л-4112 ва Л-39 линиялари билан чапиштиришдан олинган F_1 ва F_2 дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг таҳлили асосида тола чиқимини генетик назорат қилувчи асосий ва қўшимча генларнинг доминант ҳолати F_1 дурагайларида юқори тола чиқимини юзага келишига ва аксинча, қўшимча f_c генининг рецессив ҳолати тола чиқимининг паст бўлишига олиб келиши кўрсатилган. F_2 дурагайларида ажралиш жараёни туфайли вариацион қаторлар сонининг ортиши қайд этилган.

Л-70 линиясининг ўрганилган бошқа линиялар билан олинган F_1 дурагайларида тола узунлиги белгиси доминантлик ҳолатларида ирсийланди. F_2 комбинацияларида тола узунлиги белгиси бўйича ўзгарувчанлик кўламининг кенлиги Л-70 линиясининг генотипида тола узунлигини ва тола чиқимини белгиловчи яширин генлар мавжудлигини кўрсатади.

Бобнинг иккинчи бўлимида чигит устида тукланиш типи билан кимматли-хўжалик белгиларининг корреляцион боғлиқлиги натижалари келтирилган. Л-70 линияси иштирокидаги F_1 дурагайларида кучсиз салбий ва ижобий корреляция, F_2 иккинчи авлод дурагайларида эса корреляция коэффиценти ўрта даражадаги ижобий боғлиқликни кўрсатди.

Бобнинг учинчи бўлимида Л-70 линия иштирокидаги F_2 дурагай комбинацияларида тола чикими ва индексининг чигит тукланиш типига боғлиқлиги маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг “Тадқиқотлар натижасида яратилган янги линияларнинг тавсифи” деб номланган олтинчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижасида яратилган янги ўрта толали ғўза линияларининг кимматли-хўжалик белгилари бўйича тавсифи баён этилган.

ХУЛОСАЛАР

“Ќўза генетик коллекцияси линияларининг дурагайларида морфоҳўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ќўза генетик коллекциясининг ўрганилган линияларида юқори тола чикимига Л-489 ва Л-608 эга эканликлари, юқори кўрсаткичли линияларининг F_1 дурагайида белгининг ирсийланишида ижобий ўта доминантлик, паст кўрсаткичли линияларнинг ўзаро F_1 дурагайларида белги кўрсаткичи ўзгарувчанлик кўлами ота-она линияларга нисбатан юқори бўлиб, ижобий ва салбий трансгрессия мавжудлиги, гистограмма бир чўққили бўлиб, белгининг авлоддан-авлодга берилиши даражаси F_2 Л-489хЛ-4112 комбинациясида юқори ($h^2=0,83$) эканлиги аниқланди.

2. Тола узунлиги Л-4112 линиясида энг юқори, Л-489 линиясида энг паст, Л-608, Л-39 ва Л-620 линияларида ўртача узунликда экани, ўртача узунликдаги толали линияларнинг ўзаро F_1 дурагайларида белгининг тўлиқсиз доминантлик, баъзи ҳолатларда ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланиши, F_2 Л-620хЛ-39, F_2 Л-608хЛ-4112, F_2 Л-608хЛ-39 ва F_2 Л-4112хЛ-39 комбинацияларида тола узунлигининг ўртача кўрсаткичлари юқори бўлганлиги аниқланди;

3. Тола индекси Л-489 линиясида энг юқори, Л-4112 ва Л-620 линияларида энг паст, Л-39 ва Л-608 линияларида ўртача эканлиги, юқори ва паст кўрсаткичли линияларнинг F_1 дурагайларида тола индекси ижобий ўта доминантлик, юқори ва ўртача, паст ва ўртача кўрсаткичли линияларнинг F_1 дурагайларида ижобий тўлиқсиз доминантлик, ўртача кўрсаткичли линияларнинг ўзаро F_1 дурагайларида ижобий тўлиқ доминантлик ҳолатларида ирсийлангани, F_2 Л-489хЛ-608 комбинациясида тола индексининг ўртача кўрсаткичи 8,0 г. ни ташкил этгани, комбинациялар бўйича ижобий ва салбий трансгрессия мавжудлиги, белгининг авлоддан-авлодга берилишида генотипнинг таъсири кучсиз ва ўртача (0,27-0,61) эканлиги аниқланди;

4. Ўрганилган ота-она линиялари ва F_1 дурагайларида тола узунлиги билан тола чиқими, тола индекси, 1000 дона чигит вазни ўртасида кучсиз даражадаги корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги ушбу белгиларнинг бир-биридан мустақил ҳолда ирсийланишини, тола чиқими билан тола индекси, тола индекси билан 1000 дона чигит вазни ўртасида кузатишган ўртача ва кучли даражадаги ижобий боғланишлар бу белгиларнинг бир-бирига боғлиқ ҳолда ирсийланишини кўрсатди;

5. Тола узунлиги бўйича Л-4112, Л-39 ва Л-620, тола чиқими бўйича Л-489, Л-15, Л-608, 1000 дона чигит вазни бўйича Л-608, Л-489 ва Л-620 линиялари юқори умумий комбинацион қобилиятга эга эканликлари ва улардан бу белгиларни яхшилашга қаратилган селекция ишларида фойдаланиш мумкинлиги аниқланди;

6. Реципрок F_1 дурагайларида тола чиқими белгиси ижобий ўта доминантлик ҳолатида ирсийланиши, бунинг натижасида тола чиқимининг ўртача кўрсаткичлари 40,0% дан юқори бўлганлиги аниқланди. Тола узунлиги белгиси бўйича иккита комбинацияда ижобий гетерозис, қолганларида оралиқ ирсийланиш, тола индекси ва 1000 дона чигит вазни салбий ўта доминантлик, ижобий доминантлик ва оралиқ ҳолатида ирсийланганлиги аниқланди.

7. Ғўза генетик коллекциясининг F_2 реципрок дурагайларида тола чиқимининг ирсийланишида кенг кўламли ўзгаргарувчанлик кузатилиб, ўнг тарафлама трансгрессия мавжудлиги асосида юқори тола чиқимига (47-49%) эга бўлган ўсимликларнинг ажралиб чиққанлиги қайд этилди. Барча F_2 реципрок дурагай комбинацияларида тола чиқими ўзгарувчанлик кўламининг гистограммаси бир чўқкили кўринишга эга бўлди.

8. Ғўза генетик коллекцияси линияларини ўзаро дурагайлашдан олинган, янги ирсий асосга эга янги Л-720, Л-721, Л-722, Л-750 ва Л-751 линияларидан ғўзанинг қимматли-хўжалик белгиларини яхшилашга қаратилган генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ
МИРЗО УЛУГБЕКА**

ХАЙИТОВА ШАХЛО ДАВЛАТОВНА

**НАСЛЕДОВАНИЕ И ИЗМЕНЧИВОСТЬ МОРФОХОЗЯЙСТВЕННЫХ
ПРИЗНАКОВ У ГИБРИДОВ ЛИНИЙ ГЕНЕТИЧЕСКОЙ КОЛЛЕКЦИИ
ХЛОПЧАТНИКА**

03.00.09 –Общая генетика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.3.PhD/B211

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Набиев Сайдигани Мухторович
доктор биологических наук, с.н.с

Официальные оппоненты:

Ибрагимов Паридуи Шукурович
доктор сельскохозяйственных наук,
профессор

Кушанов Фахриддин Нематуллаевич
доктор биологических наук, с.н.с

Ведущая организация: Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «24» август 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-юз. Актовый зал Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, e-mail: igebr@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрирован за номером 269). Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90; e-mail: igebr@academy.uz.

Автореферат диссертации разослан «11» август 2021 года
(реестр протокола рассылки № 42 от «10» август 2021 года.)

И.Дж.Курбанбаев

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н.

Б.Х.Аманов

Заместитель секретаря Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н.,
старший научный сотрудник

И.Юнусханов

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом хлопководстве уделяется особое внимание созданию, совершенствованию и повышению сортности новых сортов хлопчатника, отвечающие современным требованиям производства, высокоурожайных, с высокими показателями качества и выхода волокна, устойчивых к болезням, вредителям и неблагоприятным факторам внешней среды. При создании сортов с такими особенностями всестороннее изучение признаков и свойств имеющихся разновидностей мировой коллекции хлопчатника, их эффективное использование в генетико-селекционных исследованиях и увеличение хозяйственно-ценных признаков до высоких уровней приобретает важное практическое значение.

В мире при создании новых высокоурожайных, с качественным волокном сортов хлопчатника уделяется большое внимание широкому использованию образцов ботанической коллекции разных стран. Проводятся широкомасштабные исследования по выявлению морфобиологических, в том числе генетических закономерностей хозяйственно-ценных признаков у гибридов этих образцов. При этом большое внимание уделяется научным изысканиям по определению селекционной ценности видов, внутривидовых разновидностей, в том числе культурных сортов хлопчатника на основе генетических исследований, получению рекомбинантов с новой генетической основой путем изучения закономерностей наследования, изменчивости и взаимных связей хозяйственно-ценных признаков у их гибридных поколений, составлению перспективных селекционных программ по их целевому применению.

После приобретения независимости нашего государства достигнуты определенные успехи в хлопководстве, которое является основной отраслью сельского хозяйства. В частности, созданы и внедрены в производство множество высокоурожайных, скороспелых, устойчивых к абиотическим и биотическим стресс факторам среды сортов хлопчатника. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены такие задачи, как «создание новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивые к болезням и вредителям, приспособленные к местным почвенно – климатическим и экологическим условиям². Исходя из этих задач, использование линий генетической коллекции хлопчатника, являющая единственной в нашей стране и признанной мировой научной общественностью, в генетико-селекционных исследованиях, исследование особенностей наследования, изменчивости и корреляционных связей хозяйственно-ценных признаков у разных поколений гибридов этих линий, оценка комбинационной способности исходного материала по этим признакам и на этой основе их рекомендация в качестве доноров при

² Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

улучшении хозяйственно-ценных признаков хлопчатника имеет важное научное и практическое значение.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП №4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, УП №5742 “О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов сельского хозяйства” от 17 июня 2019 года, постановлении КМ РУз № 985 «О прогнозных объемах размещения сортов хлопчатника и производства хлопка -сырца в 2020 году», от 12 декабря 2019 года а также в других нормативно – правовых документах, принятые в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики: Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования по изучению наследования, взаимосвязи количественных признаков хлопчатника, комбинационной способности исходного материала по этим признакам проведены со стороны зарубежных ученых, в частности, U.K.Naqib, G.Hassan, B.Khan (2009), T.Jawahar (2017), A. Marani (1968), S.Rauf, T.M.Khan Nazir S. (2005), F.A. Tonk, M.Tosun (2017). В странах СНГ исследования по генетике хозяйственно-ценных признаков хлопчатника проведены большинством ученых, в том числе Ш.Акмурадовым (1982), Л.А. Гусейновой (1987), И.Ю. Дедовой (2009), Э.А. Эргашевой (2021).

В нашей стране проведены множество исследований, относящиеся к генетике и селекции хозяйственно-ценных признаков у средневолокнистого хлопчатника. В частности, в последние годы научные и прикладные исследования, посвященные проявлению количественных признаков у сортов средневолокнистого хлопчатника, изучению особенностей их наследования, изменчивости, корреляции и наследуемости проведены со стороны ряда ученых (В.А. Автономов и другие (2015), Т.Д.Алламбергенов и другие (2015), А.И. Сейтмусаев, Б.А. Сейтмусаев (2016), Р.А.Юлдашева, И.Г.Амангурдиев и другие (2017), С.М.Ризаева и другие (2017). Закономерности наследования и изменчивости качественных и количественных признаков в материалах генетической коллекции хлопчатника вида *G.hirsutum* L. исследованы в работах Д.А.Мусаева (2008), А.К.Рахимова (2007), М.Ф.Абзалова (2010), Ш.Турабекова (2012), С.М.Мусаевой (2010), Н.Г.Фатхуллаевой (2011) и других ученых. Связь между качественными и количественными признаками этих форм изучены со стороны А.К.Рахимова (2006), Ш.Турабекова (2013), С.М.Мусаевой (2012), Н.Г.Фатхуллаевой (2012), А.А.Бекмухамедова (2015).

